

## Амаллар ниятларга боғлиқ

Мұхаммад ибн Салиҳ Ал-

Усаймийн

Ушбу мақола “Қирқ ҳадис шарҳи”

китобидан иқтиbos бўлиб, унда

биринчи ҳадис, яъни ният ҳақидаги

ҳадис ва шу ҳадисдан олинадиган

фойдалар ва ҳукмлар ҳақида сўз

юритилади.

<https://islamhouse.com/72838>

- Амаллар ниятларга боғлиқ  
“Қирқ ҳадис шарҳи” китобидан  
иқтиbos

- Биринчи ҳадис
- Шарх
- Шу ўринда бир масала бор:
- Ҳадисдан олинадиган  
фойдалар:

## Амаллар ниятларга боғлиқ “Кирқ ҳадис шарҳи” китобидан иқтибос

### Биринчи ҳадис

Мўминлар амири Абу Ҳафс Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: “Албатта амал-лар(нинг яроқли ёки яроқсизлиги, мақбул ёки номақбуллиги) фақат ниятларга

боғлиқдир. Ҳар бир кимса учун (амали ила) ният қилган (яхшиликнинг савоби ёки ёмонликнинг жазос)и насиб қилур. Кимда ким Аллоҳ ва унинг Расулини мақсад қилиб ҳижрат қилса, у ҳолда (чиндан ҳам) Аллоҳ ва Расули сари ҳижрат қилган бўлур. Кимда ким мол-дунёга эришиш, ёхуд бир аёлга уйланиш мақсадида ҳижрат қилса, у ҳолда ўзи мақсад қилган нарсасига ҳижрат қилган бўлур” .

Ушбу ҳадисни муҳаддислар икки имоми — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибнил Муғийра ибн Бардизба Бухорий ва Абул Ҳусайн Муслим ибнил Ҳажжож ибн Муслим Қушайрий

Нисопурийлар ҳадис китобларининг энг ишончлиси бўлмиш “Икки саҳиҳ ҳадислар тўпламида” ривоят қилганлар.

## Шарҳ

“Мўминлар амири” — Абу Ҳафс Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудир. Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анхунинг кўрсатмаси билан халифа-лик унинг қўлига ўтди. Бу Абу Бакр разияллоҳу анхунинг ҳасанотларидан бири ҳисобланади. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анхунинг халифа этиб сайланиши шаръий асосга эга. Чунки уни халифа этиб тайинлаган Абу Бакр разияллоҳу анҳудир. Абу

Бакр разияллоҳу анҳу эса Бани Сойда шийпонида саҳобаларнинг унга байъат қилиши билан халифа этиб сайланган эди. Ҳар икковларининг халифалиги шаръий асосга эга-дир. Абу Бакр разияллоҳу анҳу Умар ибн Хаттоб-ни халифаликка ихтиёр қилиб ниҳоятда тўғри иш қилган эди.

Умар разияллоҳу анҳунинг “шундай де-ганларини эшитдим”, деган сўзи, унинг бу ҳадис-ни бевосита Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан олганига далилдир.

Ажабланарли томони шундаки, ушбу ҳадис ўта муҳим бўлишига қарамай, уни Расу-луллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламдан фақат Умар разияллоҳу анхугина әшиитганлар. Бироқ, ҳадис мазмунини қўллаб-қувватловчи талай оят ва ҳадислар мавжуддир. Жумладан, *Куръони Каримда Аллоҳ таоло шундай дейди:*

“Қандай яхшилиқ (мол) инфоқ-эҳсон қилсангизлар, ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳ юзини истаб яхшилиқ инфоқ-эҳсон қилингиз!” [Бақара: ۲۷۲],

“Мұхаммад Аллоҳнинг пайғамбариidir. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар.

Уларни (мудом) Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ, сужуд қилаётган ҳолларида кўурурсиз” [Фатх: ۱۹].

Бу икки оятда ҳам ният тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Саъд ибн Аби Ваққос разиял-лоҳу анҳуга шундай деганлар: “Билгинки, сен Аллоҳнинг розилигини истаб бирон бир нафақа-эҳсон қилсанг, ҳаттоқи бу хотинингни оғзига соганинг (хар қандай) озиқ-овқат бўлсин, албатта унинг эвазига ажр-савоб оласан”. Ҳадисдаги “Аллоҳнинг розилигини истаб”, деган сўз ниятга далолат қиласди. Муҳими, ҳадисда ифода

Этилган маъно Қуръон ва бошқа ҳадисларда ўз исботини топган. Ҳадис лафзини Умар разияллоҳу анҳунинг якка ўзи ривоят қилган бўлсада, бироқ уни бутун уммат бир овоздан қабул қилган. Ҳатто Бухорий роҳи-маҳуллоҳ ўзининг “Саҳих” асарини ушбу ҳадис билан бошлаган.

“Албатта амаллар”: Амал дейилганда барча амалларни: қалбда бажариладиган, тилда бажариладиган ва бошқа ташқи аъзолар билан бажариладиган амалларни ўз ичига олади. Демак, бу ердаги “амаллар” сўзи амалнинг барча турларини ўз ичига қамраб олар экан.

Қалб амаллари дейилганда Аллоҳга таваккул қилиш, Унинг ўзига “инобат қилиш”, яъни қайта-қайта мурожаат қилиш, Аллоҳдан қўрқиши ва шунга ўхшашиб қалбда кечадиган амал-лар назарда тутилади.

Тил билан бажариладиган амаллар тилда нутқ қилиб бажариладиган амаллардир. Тилда бажариладиган амаллар бениҳоят кўпдир. Аъзо-лар ичида тилчалик кўп амал қиласидиганини билмайман. Агар бўлса ҳам кўз ёки қулок бўлиши мумкин.

Ташқи аъзолар билан бажариладиган амаллар икки қўл,

икки оёқ ва шу каби аъзолар  
бажарадиган амаллардир.

“Албатта амаллар(нинг яроқли ёки  
яроқ-сизлиги, мақбул ёки  
номақбуллиги) факат ният-ларга  
боғлиқдир”:

Ниятнинг шаръий тушунчаси —  
Аллоҳ таолога яқинлашиш  
мақсадида бирон бир ибо-датни  
қилишга азму қарор қилишдир.  
Ният-нинг ўрни қалбdir. У қалбда  
кечадиган амал бўлиб, ташқи  
аъзоларнинг ниятга алоқаси йўқ.

“Ҳар бир кимса учун (амали ила)  
ният қилган (яхшиликнинг савоби  
ёки ёмонликнинг жазос)и насиб  
қилур”:

Шу ўринда бир масала бор: юқорида зикр қилинган икки жумла, яъни “Албатта амаллар факат ниятларга боғлиқдир” ва “Ҳар бир кимса учун ният қилгани насиб қилур” икки жумласи бир хил маънони англатадими, ёки бу иккиси-нинг маъноси бир-биридан фарқлими?

Аввало шуни билишимиз зарурки, аслини олганда бирон бир гап ўзидан олдинги гап мазмунини таъкидлаб келмасдан, балки алоҳида янги бир маънони англатиши лозимдир. Бу масалада уламолар икки тур фикр билдири-ганлар:

Бириңчиси: Бу икки жумла бир хил маънода келган. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** “Албатта амаллар фақат ниятларга боғлиқдир”, деб, сўнгра уни “Ҳар бир кимса учун ният қилгани насиб қилур”, деган сўзлари билан таъкидлаганлар.

Иккениңчиси: Иккинчи жумла бириңчиси-дан бошқача маънони англатади.

Бу борадаги қоида шундан иборатки, агар бирон бир гапнинг алоҳида янги маънони ифодалаши билан унинг ўзидан олдинги гап мазмунини таъкидлаб келиши ўртасида икки-ланиш юзага келса, у

ҳолда биз бу гапни алоҳида янги маънони англатиш учун зикр қилингандик эҳтимолини устун қўямиз. Негаки, бу икки гап маъноси бир хил дейдиган бўлсак, у ҳолда матнда такрорлаш юзага келади ва бизда бу такрорлаш сабабини билишга эҳтиёж туғилади.

Демак, бу масаладаги тўғри фикр — бу икки жумла бир-биридан фарқли маъноларни ифода этади. Биринчи жумла ният қилинган нарса, яъни амал учун айтилган бўлса, иккинчи жумла амалнинг ким ёки нима учун қилингандиги, яъни бу амалдан Аллоҳнинг розилиги истал-ганми ёки бирон бир дунёвий мақсад учун қилингандиги назарда тутилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг иккинчи жумладан кейин: “Кимда ким Аллоҳ ва унинг Расулини мақсад қилиб ҳижрат қилса, у ҳолда (чиндан ҳам) Аллоҳ ва Расули сари ҳижрат қилган бўлур”, — деган сўзлари ҳам шу нарсага далолат қиласи. Демак, бу фикрга кўра матнда такрорланиш йўқ.

Ҳадисдаги бу ниятдан мақсад — одат-ларни ибодатлардан ва ибодатларни ўзини ҳам бир-биридан ажратиш.

Одатларни ибодатлардан ажратиш-НИНГ МИСОЛИ:

۱- Кимдир шунчаки кўнгли тусаганидан бир овқатни еса, бошқа бир киши Аллоҳ тао-[ЛОНИНГ](#):

“Ва еб-ичингизлар” [Аъроф: ۲۱], — деган буйруғига бўйсуниб таом ейди. Улардан иккин-чи кишининг ейиши ибодат бўлса, биринчиси-ning ейиши одатdir.

۲- Кимдир салқинлаш мақсадида ювинса, бошқа бир кимса жанобатдан покланиш мақса-дида ювинади. Бу ювишишнинг биринчиси одат бўлса, иккинчиси ибодатdir. Шу боис, жанобат етган бир инсон салқинлаш мақсадида денгизга шўнғиб, сўнг намоз ўқиса, унинг бу ювишиши ғусл ўрнига

ўтмайди. Чунки ғусл қилиш учун ният зарур. Ҳолбуки, бу кимса ибодатни ният қилмасдан, балки шунчаки салқинлашни мақсад қилган эди.

Шунинг учун ҳам айрим уламолар: “Фоғил бандаларнинг ибодатлари одат, сергак зикр аҳлиниңг одатлари ҳам ибодатдир”, — деганлар. **Фоғил бандаларнинг ибодатлари одат эканига мисол:** бундай кишилар одатига қўра таҳорат олиб намоз ўқир экан, бу амали билан Аллоҳнинг амрига бўйсunaётганини кўнглидан кечирмайдилар. Сергак кишиларнинг одатлари ҳам ибодат эканига мисол, бундай инсонлардан бири таом ер экан, Аллоҳнинг

амрига буйсу-наётгани кўнглидан кечиради, ўз жонини ҳало-катдан саклаш ва одамларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолишдан тийилишни мақсад қиласди. Оқибатда, унинг аслида одат бўлмиш бу амали ибодатга айланади. Яна бир мисол, бир инсон янги кийим кияр экан, одамлар ичидан бу кийими билан кеккайиб-гердайишни мақсад қиласди. Албатта бундай кимса ажрасавоб олмайди. Бошқа бир инсон борки, янги либос кияр экан, одамларга Аллоҳнинг унга берган неъматини танитиш ва ўзининг беҳожатлигини билдириш-ни мақсад қиласди. Албатта бундай одам савобга муюссар бўлади. Учинчи бир мисол, бир киши жума

куни энг кўркам кийимларини кияди, чунки у бу кунда мана шундай қилишга одат-ланган. Бошқа бир одам эса жума куни энг кўркам либосларини кияр экан, Расулуллоҳ сол-лаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишни мақсад қиласди ва шундай қилиб унинг бу амали ибодат-га айланади.

**Ибодатларни бир-биридан ажратишнинг мисоли**

Бир киши икки ракаат намоз ўқир экан, нафл намозни ният қиласди. Бошқа бир киши икки ракаат намоз ўқир экан, фарз намозни ният қиласди. Шакл жиҳатдан бир хил бўлган бу икки амал ният билан

бир-биридан ажралади. Бири нафл бўлса, иккинчиси фарздир.  
Шунингдек, қолган барча амалларни ҳам шунга қиёс қилиб олишингиз мумкин.

Демак, ниятдан мақсад — ибодатларни одатлардан ажратиш, ёхуд нафл ва фарз сингари ибодатларни бири-биридан ажратиш экан.

Шуни билингки, ниятнинг ўрни қалбdir. Шу боис, ният нутқ қилинмайди. Негаки, сиз кўз ишораси ва дилда яширинган сирасорларни билувчи Зотга ибодат қиласиз. Аллоҳ таоло бандаларининг қалбларидаги

нарсаларни тўла-тўқис билувчи Зотдир. Сиз токи ниятингизни сўзламагунча дилингиздаги нарсаларни билмай-диган зот ҳузурида турмоқчи эмассиз-ку, ахир? Аксинча, сиз кўнглингизда кечган кечинмалар, сизнинг бекарор ҳолатингизу, ўтмишу-ҳозирин-гизни биладиган Зот ҳузурида турмоқчисиз. Шунинг учун, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳам у зотнинг асҳоби киромлари разияллоҳу анҳумлардан ҳам ниятни талаффуз қилганликлари хусусида ҳеч нарса ривоят қилинмаган. Шунга биноан, хоҳ сирли, хоҳ ошкора тарзда бўлсин ниятни талаффуз қилмоқ бидъат ҳисобланиб, ундан қайтарилади.

Бирок, бунга қарши ўлароқ, ниятни талаффуз қилиш тил билан қалбнинг бир-бирига мос келишига ёрдам беради, **деган сабабни рўкач қилишган ҳолда айрим уламолар:** “Ният ошкора нутқ қилинади”, — десалар, **баъзи уламолар:** “Ният сирли талаффуз қилинади”, — дедилар.

Во ажаб! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шу амални қилганми эдилар?! Агар бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатларидан бўлганида, албатта уни қилган ва одамларга баён қилган бўлур эдилар!

Айтишларича, Нажд үлкасидан келган бир киши Масжиди Ҳаромда пешин намозини ўқи-моқчи бўлиб турса, намозга иқомат айтилибди. Шу пайт у билан ёнма-ён турган, ниятни талаф-фуз қилиш керак, деб ўйлайдиган бир киши овоз чиқариб ният қила бошлабди: “Эй аллоҳ, албатта мен тўрт ракаатли пешин намозини Масжиди Ҳаромнинг имоми орқасида холис Аллоҳ учун ўқишни ният қилдим”. Ният қилиб бўлиб такбир айтмоқчи бўлганида Нажддан келган омий одам унга қаратади: “Шошма, эй биродар, ахир санани: кун, ой ва йилни айтишни унутдинг-ку?!”, — деса, ҳалиги одам ҳайрон бўлиб турганмиш!

## Шу ўринда бир масала бор:

Бир киши эътиroz билдириб шундай деса: “Ахир, “талбия” айтuvчининг “Лаббайка Алло-ҳумма умратан (Эй Аллоҳ, Сенга умра билан лаббай айтаман)”, “Лаббайка Аллоҳумма ҳажжан (Эй Аллоҳ, Сенга ҳаж билан лаббай айтаман)”, ёки “Лаббайка Аллоҳумма умратан ва ҳажжан (Эй Аллоҳ, Сенга умра ва ҳаж билан лаббай айтаман)”, деган сўзи ниятни талаффуз қилиш эмасми?”.

Мазкур эътиrozга жавоб шуки, бу ниятни талаффуз қилиш ҳисобланмай, балки бу умра ва ҳаж маросимини ошкор қилиш, уни танитиш-дир. Шунинг учун ҳам

айрим уламолар: “Ҳаж ва умра ибодатида талбия айтиш намоздаги “так-биратул эхром (намозни бошлаш пайтида айти-ладиган такбир)”га ўхшайди”, деганлар. Бу фикрдан келиб чиққан ҳолда, намозни бошлаш асносида такбиратул эхромни айтмасангиз намозга кирмаган ҳисобланганингиздек, агар талбия айтмасангиз эхромга ҳам кирмаган ҳисобланасиз. Шу боис, **баъзи** инсонлар эхромга кириш асносида айтишга одатланган: “Аллоҳум-ма, инни урийду нусукал умрати (ҳажжи) фа яссирху лий (Эй Аллоҳ, мен умра (ҳаж) ибодатини адo қилмоқчиман, Сен уни менга осон қил)”, деган ниятни айтиш

суннатдан эмас. Чунки бу зикр ҳисобланиб, уни айтиш учун далилга мухтож бўлинади ва бундай далил мавжуд эмас. Демак, бундай зикри айтган одамларга инкор қилинади. Бироқ, ётиғи билан, юмшоқлик билан тушунтирилади.

**Унга:** “Эй биродар, бу зикри Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-ҳи ва саллам ҳам, у зотнинг асҳоблари ҳам айтишмаган, шундай экан, уни сиз ҳам айтманг”, дейилади.

Агар у: “Бу ниятни фалончи фалон кито-бida айтган”, деса, **сиз унга жавобан:** “Аллоҳ ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган гап муҳим ва мўътабар”, деб айтинг.

“Ҳар бир кимса учун ният  
қилгани насиб қилур...”

Мана бу амалнинг кимга атаб  
қилинга-нининг ниятидир. Одамлар  
бу ниятда бир-бирларидан кескин  
фарқ қиласидилар. Иккита инсон  
ёнма-ён туриб намоз ўқир экан, ажр-  
савобдаги улар орасидаги масофа  
кунчиқар билан кунботар ўртасича,  
ёки осмон билан ерчалик бўлиши  
мумкин. Негаки, улардан бири  
ихлосли, бошқаси эса бундай эмас.

Шунингдек, иккита инсоннинг илм  
олиш йўлида тавҳид, фикҳ, тафсир  
ёки ҳадис ўрганаёт-ганини кўрасиз.  
Улар бир китобдан, бир устозни  
қўлида таҳсил олишади. Ҳолбуки,

улардан бири жаннатдан ўта йирок, иккинчиси эса жаннатга яқин бўлади. Чунки улардан бири келажакда қози бўлиш, қозининг катта маоши ва юқори мартабаси бўлгани учун фикҳ илмини ўрганса, бошқа бири олим бўлиш, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматига таълим бериш учун фикҳ илмини ўрганади. Улар иккиси ўртасида катта фарқ бор.

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар:**

“Кимда ким аслида Аллоҳнинг розилиги истаб ўрганиладиган бир илмни факат дунёнинг ўткинчи бир матосига эришиш учун таълим олса унга жаннатнинг бўйи ҳам насиб

қилмайди” . Демак, Аллоҳ учун ниятни холис қилинг экан.

Шундан сўнг Расууллоҳ соллаллоҳу алай-ҳи ва саллам бунга ҳижрат қилувчи кимсани мисол қилиб шундай дедилар:

“Кимда ким Аллоҳ ва унинг Расулини мақсад қилиб ҳижрат қилса”

Ҳижрат сўзининг луғавий маъноси “тарқ қилиш, ташлаш” демакдир. Бу сўзининг шаръий маъносига келсак, бу жиҳатдан “куфр диёридан ислом диёрига кўчиб ўтиш” маъносини англа-тади.

## Шу ўринда бир масала бор: ҳижрат қилиш фарзми ёки суннатми?

Жавоб шуки, куфр диёрида динига очиқласига амал қила олмаган ҳар бир мўмин кишига ҳижрат фарз.

Унинг мусулмонлиги ҳижратсиз тўла бўлмайди. Негаки, фарз усиз амалга ошмайдиган иш ҳам фарздир. Мусул-монларнинг Маккадан Ҳабашистонга ва Маккадан Мадинага қилган ҳижратлари бунга мисол бўлади.

“Кимда ким Аллоҳ ва унинг Расулини мақсад қилиб ҳижрат қилса”

Бунга мисол Макка фатҳ қилинишидан олдин Аллоҳ ва

Расулинин истаб, яъни Аллоҳнинг савобини ва Унга етишни мақсад қилиб Макка-дан Мадинага ҳижрат қилган кишидир. **Оллоҳ таоло шундай дейди:**

“Агар Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ... истайдиган бўлсангизлар” [Ахзоб: ۲۹].

Демак, Аллоҳни истаб, яъни Аллоҳнинг розилиги, Унинг динига ёрдам беришни истаб ҳижрат қиласди. Албатта бу яхши мақсад. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни истаб, яъни у зотга ҳамроҳ бўлиш, суннатига амал қилиш, суннатни ҳимоя қилиш ва унга одамларни даъват қилиш,

ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳимоя қилиш ва у зотнинг динига ёрдам бериш мақсадида ҳижрат қиласи. Мана бу унинг Аллоҳ ва Расули сари қилган ҳижратидир. **Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда шундай дейди:**

“Кимки Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ яқинлашаман” .

Агар бандада Аллоҳни истаса, албатта Аллоҳ таоло унинг бу истаги эвазига қилган амалидан каттароқ инъом билан уни сийлайди.

Шу ўринда бир масала бор,  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан кейин у зот

## сари ҳижрат қилишимиз имкони борми?

Жавоб шуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-ҳи ва салламнинг шахсан ўзларининг ҳузурига ҳижрат қилиш масаласига келсак, бунинг имко-ни йўқ. Негаки, у зот тупроқ остидалар. Шу боис, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шахсини мақсад қилиб Мадинага ҳижрат қилин-майди. Энди, у зотнинг суннати ва шариат-ларига ҳижрат қилишга келсак, бу динимизда тарғиб қилинган ишдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатларига ёрдам бериш ва уни ҳимоя қилиш мақсадида бирон бир юрга ҳижрат

қилиш бунга мисол бўлади. Демак, Аллоҳ сари ҳижрат қилиш ҳар вақт ва ҳолатда мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сари ҳижрат қилиш, ҳаётлик даврларида у зотнинг шахсан ўзига ва шариатига мумкин бўлса, вафотларидан кейин эса, фақат шариатини мақсад қилиб ҳижрат қилиш мумкин. **Бу маъно Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзига ўхшаш:**

“Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз!” [Нисо: ۵۹].

Ихтилофлашилган ҳукм борасида доимо Аллоҳга, (яъни Қуръони Каримга) мурожаат қилинади. Пайғамбар алайҳиссаломга келсак, ҳаётлик даврларида шахсан ўзларига, вафот-ларидан сўнг эса у зотнинг суннатига мурожаат қилинади. Кимки бир юртдан бошқа бир юртга ҳадис ўрганиш мақсадида сафар қилса, бу унинг Аллоҳ ва Расули сари қилган ҳижратидир. Кимки бир аёлга унаштирилса-ю, аёл: “Агар менинг юртимга келмасанг сенга турмушга чиқмайман” — деб туриб олса ва унга уйланиш мақсадида бир ўлкадан бошқасига ҳижрат қилса, у ҳолда бундай кимса нимани мақсад

қилган бўлса шунга ҳижрат қилган  
бўлади.

“Кимда ким мол-дунёга эришиш...  
мақсадида ҳижрат қилса”

Бир инсон фалон юртда яхши  
тижорат қилиш имкони борлигини  
эшитиб, кўпроқ фойда қилиш  
ниятида ўша юртга борса, бу унинг  
мол-дунёга эришиш сари қилган  
ҳижратидир. Унга фақат ният  
қилган нарсасигина насиб қилур.  
Агар Аллоҳ таоло унга ҳеч нарсага  
эриш-масликни ирода қилса, у ҳолда  
ҳеч нарсага эришмас.

Ушбу ҳадисни муҳаддислар икки  
имоми — Абу Абдуллоҳ Мухаммад  
ибн Исмоил ибн Иброҳим ибнил

Муғийра ибн Бардизба Бухорий ва  
Абул Ҳусайн Муслим ибнил  
Ҳажжож ибн Муслим Қушайрий  
Нисопурийлар ҳадис китоб-  
ларининг энг ишончлиси бўлмиш  
“Икки саҳиҳ ҳадислар  
тўпламида” ривоят қилганлар.

“Икки саҳиҳ ҳадислар тўплами”дан  
мақсад — Саҳиҳи Бухорий ва  
Саҳиҳи Муслим китоблари-дир. Бу  
икки асар ҳадис илмида ёзилган  
китоб-ларнинг энг саҳиҳ ва  
ишончлиси. Шу боис, [айрим](#)  
[муҳаддислар](#): “Имом Бухорий ва  
Муслим иттифоқ қилган ҳадислар  
фақат гумонни ифода қилибгина  
қолмай, балки қатъий илмни ифода  
қиласди”, — деганлар.

Саҳиҳи Бухорий асари Саҳиҳи  
Муслим асаридан саҳиҳроқдир.  
Негаки, Бухорий роҳи-маҳуллоҳ  
ривоятда ровийнинг ҳадисни ривоят  
қилган киши билан аниқ  
учрашганилигини шарт қиласди.  
Муслим роҳимаҳуллоҳ эса,  
ровийнинг ҳадисни ривоят қилган  
киши билан учрашгани ўз исботини  
топмаган бўлсада, учрашиш имкони  
бўлиши билан бирга улар  
иккисининг замондош бўлишини  
шарт қилиш билан кифояланади.  
Муслим роҳимаҳуллоҳ  
“Саҳиҳи”нинг бошида ровий шайхи  
билан аниқ учрашишини шарт  
қилган кишига ажабланарли тарзда  
эътиroz билдиради. Бироқ, тўғри  
фикр — аниқ учра-шиши

шартлигини айтган Бухорий зикр қилган фикрдир. Уламоларнинг айтишича, “Саҳиҳи Муслим” асаридағи ҳадислар жойлашув тартиби “Саҳиҳи Бухорий” никидан яхшироқ. Сабаби, Муслим роҳимаҳуллоҳ бир ҳадисни зикр қилиб, сўнгра уни ортидан ҳадис мазмунини қўллаб-қувватловчи бошқа ҳадислар ва ровийлар шажа-расини қўллаб-қувватловчи бошқа ривоятларни ҳам зикр қилган. Бухорий роҳимаҳуллоҳ эса бундай қилмай, балки бир ҳадисни бўлиб-бўлиб зикр қилган. Демак, ҳадисларни жойлашиш тартиби жиҳатидан “Саҳиҳи Муслим” асари афзал бўлса, ривоят ва ҳадисларнинг

саҳиҳлик даражасида “Саҳиҳи Бухорий” асари афзалдир.

Бухорий афзалми, ё афзал Муслим?

Талашди ҳузуримда бир жамоат

Дедим: “Саҳиҳликда афзал Бухорий Тартибда устундир Муслим, ҳақиқат”.

Уламолардан бири (**Дорақутний**): “Агар Бухорий бўлмаганида Муслим ҳеч нарсага эришмаган бўлур эди”, — деган эди. Негаки, Бухорий унинг шайхи бўлиб, Муслим ундан кўп таъсирланган.

Демак, биз шарҳлаётган бу ҳадис қатъий илм ифода қиладиган саҳиҳ

ҳадисдир. Бирок, унинг қатъий илм ифода қилиши ақл билан маълум бўлмай, балки ҳадиснинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан аниқ ривоят қилинганлиги жиҳатидан қатъийдир.

### **Ҳадисдан олинадиган фойдалар:**

1. Ушбу ҳадис ислом динининг таянч нуқталарини шакллантирувчи саноқли ҳадис-лардан биридир. Уламоларнинг айтишича, исломнинг асоси иккита ҳадисдир: бири ушбу ҳадис бўлса, икинчиси Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадис: “Кимки бизнинг дини-мизда бўлмаган амални қилса,

унинг бу амали (мақбул эмас)  
қайтарила жак” .

Биз шарҳлаётган ҳадис қалб  
амаллари-нинг асоси, ички  
амалларниң мезони бўлса, мазкур  
Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳадиси  
таш-қи аъзолар билан  
бажариладиган амаллар асоси-дир.

Бунга мисол, бир инсон ниҳоятда  
ихлосли бўлиб, Аллоҳниң савобини  
ва иззат-икром диёри бўлмиш —  
жаннатини истайди-ю, бироқ кўп  
бидъат ишларни қилиб юради. Агар  
унинг ниятига қарасак, нияти ғоятда  
яхши, бироқ унинг амалига қарасак,  
унинг шариатга муво-фик

бўлмагани учун ёмон ва номақбул амал эканини кўрамиз.

Бошқа бир мисол, бир йигит мукаммал тарзда намоз ўқий бошлади, бироқ аслида отасидан қўрққанидан, унга намоз ўқиётганини кўрсатиш учун риё қилиб намоз ўқияпти. Бу инсонда ихлос йўқ, шунинг учун бу амалига ажр-савоб олмайди. Бироқ, намозни тарк қилса отаси уни уришидан қўрқиб намоз ўқиётган бўлса, у ҳолда ўқиган намози билан Аллоҳга ибодат қилаётган бўлади.

۱. Ушбу ҳадис фойдаларидан яна бири — ибодатларни бир-биридан ва ибодатларни ода-тий ишлар,

кундалик олди-берди муомалалардан ажратиш лозим. Негаки, Расулуллоҳ соллал-лоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта амаллар(нинг яроқли ёки яроқсизлиги, мақбул ёки номақбул-лиги) фақат ниятларга боғлиқдир”, — дедилар. Келинг, бунга намоздан мисол келти-райлик: бир одам пешин намозини ўқимоқчи бўлса, у албатта бошқа намозлардан ажратиш учун пешинни ният қилиши зурур. Борди-ю, унинг зиммасида иккита пешин намози бўлса, у ҳолда кечаги пешинни бугунгидан ажратиши лозим. Чунки, ҳар бир намоз учун алоҳида ният бўлиши зарур.

Агар бир киши қуёш заволга оққач уйидан таҳоратли ҳолда чиқиб масжидга кириб борса, ҳолбуки ўқимоқчи бўлган намозининг на пешин, на аср ва на хуфтон намози эканини кўнглидан кечирмай, балки жорий вактнинг фарз намозини ният қилса, шунинг ўзи кифоя қиласими ёки йўқми?

Жавоб шуки, бу нарса биз ҳозиргина айтиб ўтган қоидага биноан кифоя қилмайди. Сабаби, бу одам пешинни тайин қилмади. Бу фикр Ҳанбалий мазҳабининг фикри.

Бошқа бир фикрда айтилишича, бу нарса-нинг ўзи кифоя қиласди, тайин бўлиб турган нарсага аниқлик

киритишга ҳожат йўқ. Бу одам мутлақ намозни ният қилиши кифоя, қайси намоз экани вақтга қараб аниқ бўлади. Бу фикр Имом Аҳмадроҳимаҳуллоҳдан бир ривоятда айтилган. Демак, жорий вақт фарзини ният қилса кифоя. Мана шу фикргина одамларга амал қилиш имкони бўлган тўғри фикрдир. Негаки, одам гоҳида шошилиб келиб, бу намознинг пешин намози экани хаёлидан ўтмай такбир айтиб имом билан намозга киради. Бироқ, кирган намози жорий вақт фарзи экани, уйидан шу намоз учун чиққани ўй-хаёлида бўлади.

(Ҳанбалий) мазҳабга кўра унга: “Намозингни қайтадан ўқиб ол”, — десак, тўғри фикрга кўра:

“Қайтаришга ҳожат йўқ”, — деймиз. Мана шу фикр қалбни хотиржам қиласди. Сабаби, бундай ҳолатлар кўп учрайди. Ҳатто имом ҳам баъзан янглишиб, кираётган намозининг жорий вақт намози деган ўй билан кифояланиб такбир айтиб намоз бошлайди. Бундай кимса (**Ханба-лий**) мазҳабга кўра намозни қайтадан ўқиши керак. Тўғри фикрга кўра эса намозни қайтадан ўқимайди.

۷. Ҳадисдан олинадиган фойдалардан яна бири — Аллоҳ таолога ниятни холис қилишга тарғибидир. Чунки Пайғамбар алайҳиссалом одамларни икки қисмга бўлдилар:

Биринчи қисм одамлар амаллари билан Аллоҳнинг розилиги ва охират диёрини истаган кишилар.

Иккинчи қисм одамлар эса буткул бунинг акси. Бу дегани — Аллоҳ таолога ниятни холис қилишга тарғиб демакдир.

Ихлосга эътибор қаратиш ва унга тарғиб қилиш фарз. Чунки ихлос, бу одамларнинг яра-тилиш сабаби бўлмиш ўта муҳим бирламчи таянч нуқтасидир. [Оллоҳ таоло шундай дейди:](#)

“Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибо-дат қилишлари учунгина яратдим” [Зориёт: ۱۰].

ξ. Ҳадисдан олинадиган фойдалардан бири Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг маҳоратли таълим бериш услубига эгалик-лари. Бу нарсанни у зотнинг гапни турли услубда ва қисмларга ажратиб гапиришларида кўриш мумкин. Негаки, **Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг**: “Албатта амаллар фақат ният-ларга боғлиқдир”, — деган сўзлари амал тўғри-сида бўлса, **ундан кейинги**: “Ҳар бир кимса учун ният қилгани насиб қилур”, — деган сўзлари амалнинг ким ва нима учун атаб қилингани хусусида. Бу биринчиси.

Моҳирона таълим бериш услубининг иккинчи томони шундаки, Пайғамбар соллал-лоҳу алайҳи ва саллам ҳижратни икки қисмга: шаръий ва шаръий бўлмаган (дунёвий) ҳижрат-га бўлдилар. Албатта бу чиройли таълим услубидир. Шунинг учун муаллим ўқувчига масала-ларни шунчаки кетма-кет равишда нақл қилмаслиги керак. Чунки бу ҳолатда ўқувчининг маълумотларни эслаб қолиши қийинлашади. Аксинча, муаллим нақл қилмоқчи бўлган маълу-мотлар ичидан асос маълумотларни ажратиб, қоидалар тузиб ва қисмларга ажратиши мақсадга мувофиқдир. Унинг шундай қилиши ўқув-чи қалбида илмнинг

ўрнашишига ёрдам беради. Аммо масалалар пала-партиш равища үқувчига нақл қилинса, у ҳолда үқувчи тез орада бу маълумотларни унутиб юборади.

◦ **Ҳадисдан олинадиган** фойдалардан бири матнда: “Аллоҳ, сўнгра Расули сари”, дейилмасдан, **балки:** “Аллоҳ ва Расули сари”, — дея Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг Аллоҳ таоло билан бирга зикр қилини-шидир. Ҳолбуки, бошқа бир ўринда бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиб: “Сиз ва Аллоҳнинг хоҳишингиз”, — деганида, у зот: “(Йўқ), **балки ёлғиз** Аллоҳнинг хоҳиши”<sup>[1]</sup>, — деган

Эдилар. Хўш, бу иккиси ўртасида қандай фарқ бор?

Жавоб шуки, гап шариатга тегишли иш-лар ҳақида борар экан: “Аллоҳ ва Расули”, — деса бўлади. Негаки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан содир бўлган шариат, худди Аллоҳ таолодан содир бўлган шариат кабидир. Оллоҳ таоло шундай дейди:

“Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди” [Нисо: ۸۰].

Бироқ, борлиққа, оламни бошқарувига оид ишларда ҳеч бир кимса Аллоҳга тенглашти-рилиши жоиз эмас. Чунки барча нарсалар

ёлғиз Аллоҳнинг иродаси ва хоҳиши остидадир.

Агар бир одам: “Эртага ёмғир ёғадими?”, — деб сўраса ва бунга жавобан: “Аллоҳ ва Расули билади”, — дейилса, албатта бу хатодир. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу каби ишларни билмайдилар.

Масала: Агар бир киши: “Бу ҳаромми ёки ҳалолми?” — деса ва бунга жавобан: “Аллоҳ ва Расули билади”, — дейилса, бу жоиздир. Негаки, шаръий ишларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳукмлари Аллоҳнинг

ҳукми билан тенг. Аллоҳ таоло шундай дейди:

“Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди” [Нисо: ۸۰].

Масала: Қай бири афзал: илм ўрганишми ёки Аллоҳ йўлида жиҳод қилишми?

Жавоб шундан иборатки, ҳукмга таъсир қилувчи бошқа ҳар қандай ташқи омилларни ҳисобга олмагандა илм ўрганиш Аллоҳ йўлида жиҳод қилишдан афзалдир. Чунки барча одам-лар илмга муҳтож. Имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳ шундай деганлар: “Нияти холис бўлган кишига нисбатан илм

ўрганишга тенг келадиган нарса йўқ”. Хеч қачон жиҳод барча мусулмонларга фарзи айн бўлиши мумкин эмас. Сабаби Аллоҳ таоло шундай дейди:

“Барча мўминлар (жангга) чиқишилари лойиқ эмас” [Тавба: ۱۲۲].

Агар жиҳод фарзи айн бўлганида барча мусулмонларга фарз бўлган бўлур эди. Ҳолбуки, Оллоҳ таоло шундай дейди:

“Ахир улардан ҳар бир гуруҳдан бир тоифа одамлар (жанг учун) чиқмайдиларми?! (Қолганлари эса Мадинада) динни ўрганиб, (жангга кетган) қавмлари уларнинг олдила-

рига қайтган вақтларида, у қавмлар Аллоҳ-нинг азобидан сақланишлари учун уларни огоҳлантиргани (қолмайдиларми)?!” [Тавба: ۱۲۲].

Лекин ҳукм шахс ва замонга қараб ўзгариади. Баъзан қайсиdir шахсга: “Сен учун жиҳод қилиш афзал”, — десак, бошқа бир кишига: “Сени илм олганинг маъқул”, — деймиз. Агар инсон жасур, кучли, жисмонан тетик бўлса, айни пайтда зеҳни у даражада кучли бўлмаса, у ҳолда унинг жиҳод қилгани афзал. Негаки, жиҳод қилиш унга муносиброқ. Борди-ю, бир киши зеҳн-заковатли, Куръонни ёд олган, баҳс ва мунозарага салоҳияти кучли бўлса, бундай шахснинг илм ўрганиши

афзалдир. Бу ҳукмнинг шахс ҳолатига қараб ўзгариши эди. Ҳукмнинг замонга қараб ўзгаришига келсак, агар биз уламолар сероб бўлган, сарҳад ва жабҳалар жангчи қўриқчиларга муҳтож бўлган замонда яшаётган бўлсак, у ҳолда жиҳод қилиш илм олишдан афзал. Аксинча, биз жаҳолат кенг тарқаган, жамиятда бидъат-хурофотлар урчиган бир замонда яшаётган бўлсак, унда илм олиш афзалдир. Уч нарса борки, **бу нарсалар илм ўрганишни кескин вазифага айлантириб қўяди:**

' – жамиятда турли бидъатлар бош кўтара бошлиши;

- ﴿ – илмсиз фатво берилиши;
- ﴿ – шаръий масалаларда илмсиз низо ва тортишувларнинг кўпайиши.

Агар илм ва жиҳоддан бирини иккин-чисидан афзалигини кўрсатадиган омил бўлма-са, у ҳолда илм афзал.

۱. Ҳадисдан олинадиган навбатдаги фойда, ҳижратнинг солиҳ амаллар жумласидан эканлиги. Чунки, ҳижрат билан Аллоҳ ва Расули мақсад қилинади. Зеро, Аллоҳ ва Расули мақсад қилинадиган барча амаллар солиҳ амаллардир.

Шунингдек, сиз ҳижрат қилиш орқали Аллоҳга тобора яқинлашишни қасд қиласиз.

Маълумки, Аллоҳга яқинлашиш ибодатдир.

Масала: Ҳижрат қилиш фарзми ёки мустаҳабми?

Жавоб: Бу масалада ҳар бир ҳолатнинг ўзига хос ҳукми бор.

Агар инсон куфр диёрида динини ошкор қилишга қодир бўлса ва уни бундан ман қилувчилар бўлмаса, бу ҳолда ҳижрат қилиш мустаҳабдир.

Аксинча, динини ошкор қилишга қодир бўлмаса, бундай шахсга ҳижрат қилиш фарз. Бу борадаги фарз билан мустаҳабни белгилаб берувчи қоида шундан иборат. Энди фисқу-фужурни ошкора қиладиган исломий мамлакатлардан ҳижрат

қилиш ҳукми-га келсак, агар инсон мамлакат аҳлига қўшилиб фисқу-фасод ишларга қўл уришдан қўрқса, у ҳолда ҳижрат қилиш унга фарз. Борди-ю, бундай қўрқув-хавотир бўлмаса фарз эмас. Балки, унинг бу юртда қолишида ислоҳот бўлса, мамлакат-нинг одамларни ўнглаш, амру маъруф ва наҳий мункар қилиш борасида унга эҳтиёжи борлиги сабаб унинг бу юртда қолиши фарздир. Ажабланарлиси айрим кишилар ислом диёридан куфр диёрига ҳижрат қиладилар. Агар ислоҳот-чи кишилар ислом юритидан ҳижрат қилсалар, фисқу-фасод аҳлини қайтарадиган ким қолади? Эҳтимол ислоҳотчи кишилар озлиги, фисқу-фасод

аҳлининг кўплиги сабаб мамлакат янада кўпроқ тубанликка юз тутади. Бироқ, бу юртда қолиб имкон қадар Аллоҳнинг динига даъват қилса, аста-секин бошқа бировни ўнгланишига сабаб бўлади ва ўз ўрнида у ҳам ўзга бировни ислоҳ қилади. Бора-бора ана ўшалар саъи-ҳаракатининг самараси ўлароқ бутун мамлакат ҳолати ўнгланади.

Агар аксар инсонлар солиҳ инсонларга айлансалар, бу нарса гарчи босим ўткизиш йўли билан бўлсада, кўпинча хукумат тепасидагиларнинг ҳам ўнгланишига олиб боради. Бироқ, минг афсуски, бу нарсани барбод қиладиган солиҳ кишиларнинг ўзларидир. Улар-нинг ихтилоф жоиз

бўлган бирон бир диний масаладаги хилоф туфайли гуруҳ-гуруҳларга бўлинниб тафриқа қилаётганинига гаплари қовушмай қолаётганига гувоҳ бўласиз. Амалий ҳаётда шу нарса юз беряпти. Хусусан, ислом дини батамом қарор топмаган мамлакатларда бу нарсанни яққол кузатиш мумкин. Кўпинча, намозда икки қўлни кўтариш каби бир масала-ни, деб бир-бирлари билан ўзаро адоватлашиш, нафратлашиш ва уруш-жанжалгача борадилар. Сизларга Минода шахсан ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб бермоқчиман. Бир куни Маъри-фий Тарғибот Бўлими мудири ҳузуримга Афри-кадан келган иккита тоифани бошлиб келибди. Бу икки тоифадан

ҳар бири бошқа тоифани кофирга чиқарар экан. Нега денг?! Мудирни айтишича, **бир тоифа:** “Киёмдаги суннат — намозхон икки қўлини кўксига қўйиши”, — деса, **иккинчи тоифа:** “Киёмдаги суннат — намозхон икки қўлини ёнига ташлаб туриши”, — дер экан. Бу масала диндаги катта асосий масалалардан бўлмаган, иккинчи даражали фиқхий бир масала. **Улар бўлса:** “Йўқ! Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимда ким менинг суннатим-дан юз ўғирса мендан эмас”<sup>[۲]</sup>, — деганлар. Суннатдан юз ўгириш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам воз кечган куфрдир”, — дейдилар. Мана

шундай нотұғри тушунчага биноан бир-бирларини коғирға чиқардилар.

Хуллас, ислом унчалик кучли бўлмаган мамлакатлардаги айрим ислоҳотчи мусулмон-лар бир-бирларини бидъатчи ва фосиққа чиқарадилар. Агар улар иттифоқ бўлганларида, ихтилофлашган такдирда ҳам ихтилоф жоиз бўлган масалаларни бағри-кенглик билан қабул қилишганларида, бир ёқадан бош чиқариб иш юритганларида эди, умматни ҳоли ўнгланган бўлур эди. Бироқ, уммат солих кишилар, ислоҳотчи пешволарнинг ўрталарида дин масалаларида бунчалик ихтилоф ва гина-кудурат-ларни кўргач улардан

ва улардаги яхшиликлару ҳидоятдан юз үгириши мумкин. Балки, бундан ҳам ёмони мусулмонларда ортга кетиш ва таназзулга юз тутиш ҳолати юз бериши мумкин. Аллоҳ паноҳ берсин, бу нарса чиндан ҳам содир бўлди. Қанча йигитлар дин — эзгулик, ҳидоят, бағрикенглик ва хотиржамлик деган эътиқод билан динга амал қила бошлашади.

Кейинчалик солиҳ дин пешволари ўртасидаги кескин келишмовчиликлар, ҳasad ва гина-кудуратларни кўриб ҳафсалалари пир бўлади. Оқибат, орзу қилган матлабини тополмагач динга амал қилишни тарқ қилишади. Хулоса қилиб айтганда, куфр диёридан ҳижрат қилиш билан фосик

мусулмон диёридан ҳижрат қилиш ўртасида фарқ бор. **Фосиқ мусулмон диёrlаридан ҳижрат қилмоқчи бўлган инсонга:** “Сабр қил ва Аллоҳдан ажр умид қил”, — дейилади. Хусусан, агар у ислоҳотчи илм аҳлидан бўлса, бу юртда қолишга янада ҳақли-роқдир. Аксинча, **баъзан бундай киши хусусида:** “Сенинг бу юртдан ҳижрат қилишинг ҳаромдир”, — дейилиши ҳам мумкин.

---

**[1]** Имом Аҳмад (۱۲۱۴) ва Ибн Можа (“Каффоратлар китоби”, “Сиз ва Аллоҳнинг хоҳишингиз”, — деб

айтишдан қайтариlgани тўғрисидаги боб”, ۲۱۱۷-ҳадис) ривояти.

[۲] Бухорий (“Никоҳ китоби”, “Никоҳга тарғиб қилиш боби”, ۴۷۷۶-ҳадис) ва Муслим (“Никоҳ китоби”, “Уйланишга ошиққан кишининг уйланиши мустаҳаблиги тўғрисидаги боб”, ۱۴۰۱- ҳадис) ривояти.